

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИ



2021 йил





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Петер Ван ден Бош ва Умид Якубходжаев  
Берн университетининг Жаҳон савдо институт

2021 йил

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.sud.uz](http://www.sud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2021.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2021.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2021.

© Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2021.

© Берн университетининг Жаҳон савдо институти, 2021.

# МУНДАРИЖА

ТРЕНИНГ БЎЙИЧА АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР	
1.1. Тренинг тавсифи ва натижалари	6
1.2. Маърузачилар	7
1.3. ЖСТ ҳуқуқи ва унинг давлатлар ички қонунчилигидаги ўрни	9
1.4. ЖСТда низоларни ҳал қилиш: фактлар ва рақамлар	14
1.5. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: келиб чиқиши, юрисдикцияси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи	15
1.6. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: мақсади, ваколати ва ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоя воситалари	17
1.7. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: институтлари, жараён ва тартиблар	19
1.8. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидаги инқироз ва унинг мавҳум келажаги	22
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ	24
ПРЕЗЕНТАЦИЯ	27
ИЛОВАЛАР	37
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	40

## КУРС ТАВСИФИ

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи иқтисодиётлари ўртасида давом этиб келаётган савдо урушлари, шунингдек, кўп томонлама савдо тизимига нисбатан бўлган хуружлар шароитида ушбу тренинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг қоидаларига асосланган низоларни ҳал қилиш тизими, хусусан, унинг асосий жиҳатлари, бугунги кунгача бўлган фаолияти натижалари ҳамда кучли давлатларнинг геосиёсий тўқнашуви қайтадан кучайиб бораётган дунёдаги унинг мавҳум келажаги ҳақидаги масалаларга бағишланган. 1995 йилдан буён ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими халқаро иқтисодий муносабатларда ҳуқуқ устуворлиги бўйича ноёб тажриба бўлиб келмоқда. Бироқ аксарият ЖСТ аъзоларининг қўллаб-қувватлашига қарамасдан, ушбу тажриба бевақт якунига етиши ҳам мумкин.

Ушбу тренинг бешта қисқа маърузалар ва амалий машғулотдан иборат. Курс доирасидаги асосий адабиётлар бўлиб иккинчи таҳрирдаги «*ЖСТ ҳуқуқи асослари*» деб номланувчи қўлланманинг учинчи бўлими (P. Van den Bossche and D. Prévost, *Essentials of WTO Law*, 2<sup>nd</sup> edition), бешинчи таҳрирдаги «*Жаҳон савдо ташкилоти ҳуқуқи ва сиёсати*» деб номланувчи қўлланманинг учинчи бўлими саккизинчи қисми (P. Van den Bossche and W. Zdouc, *The Law and Policy of the World Trade Organization*, 5th edition), Петер Ван ден Бошнинг 2019 йил 28 май куни Апелляция органининг ўз ишини якунловчи аъзоси сифатида Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш органига қилган мурожаати матни ҳисобланади. Шунингдек, тренинг давомида тингловчилар ихтиёрида Жаҳон савдо ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги 1994 йилда имзоланган Марокаш шартномасининг 2-иловаси бўлган *Низоларни ҳал қилишни тартибга солиб турувчи қоидалар ва жараёнлар бўйича англашув (шартнома номи, яна қисқача «Низоларни ҳал қилиш бўйича англашув» ёки «НҲА»)* бўлиши талаб этилади.

## ТРЕНИНГ НАТИЖАЛАРИ

- халқаро савдо муносабатларида қонун устуворлигининг аҳамияти ва қонун устуворлигини таъминлашда қоидаларга асосланган, мустақил ва холис низоларни ҳал қилиш механизмининг аҳамиятини англаш.
- Жаҳон савдо ташкилоти ҳуқуқининг давлатлар ички қонунчилигидаги ўрни ва бунда миллий судларнинг роли тўғрисида маълумот олиш.
- халқаро низоларни ҳал қилишнинг бошқа тизимлари билан таққослаганда ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш.
- ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш органлари ва институтлари билан танишиш.
- ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш жараёни ва тартиблари ҳақида маълумот олиш.
- тизимдаги мавжуд инқроз ҳолати ва унинг келажаги борасидаги айрим қарашлар билан танишиш.

## МАЪРУЗАЧИЛАР

### Петер Ван ден Бош

Профессор Петер Ван ден Бош Жаҳон савдо институтининг ўқув ишлари бўйича директори ҳамда Берн университети Юридик факультетининг профессори (халқаро иқтисодий ҳуқуқ бўйича). 2018 йилдан буён Халқаро иқтисодий ҳуқуқ жамияти президенти лавозимида фаолият юритиб келади. 2009 йилдан 2019 йилга қадар Жаҳон савдо ташкилотининг Апелляция органи аъзоси, 2015 йилда унинг раиси бўлган.

Профессор Ван ден Бош Маастрихт университетининг фахрий профессори (2018 йилдан), шунингдек, дунёнинг бошқа бир қатор олий ўқув юртларининг, жумладан, Женева университети (2018 йилдан), Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган ЛУИСС Гуидо Сарли университети (2016 йилдан), Эквадордаги Сан-Франциско де Кито университети (2016 йилдан), Бельгиянинг Брюгге шаҳридаги Европа коллежининг (2010 йилдан) ташриф буюрувчи профессори ҳисобланади. Петер Ван ден Бош 2020 йилдан буён Кембриж университети матбуот уйи томонидан чоп этилувчи “Жаҳон савдоси шарҳи”нинг муҳарриридир. Шунингдек, у “Халқаро иқтисодий ҳуқуқ”, “Жаҳон инвестициялари ва савдо”, “Лотин Америка халқаро тижорат ҳуқуқи” (“Revista Latinoamericana de Derecho Comercial Internacional”) журналлари ҳамда ЖСТ Раислари дастурининг маслаҳат кенгашлари аъзосидир.

Петер Ван ден Бош Мичиган университетининг магистратурасида ўқиган (1986 йил) ва Флоренцияда жойлашган Европа университети институтининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича фалсафа доктори (Ph.D.) даражасига эга (1990 йил). У Антверпен университети Юридик факультетини юқори баҳоларга (magna cum laude) тамомлаган (1982 йил). Профессор Ван ден Бош Люксембургда жойлашган Европа ҳамжамиятлари Одиллик судида Бош адвокат В. Гервеннинг ёрдамчиси сифатида ишлаган (1990-1992 йй.). Шундан сўнг у Маастрихт университетининг Юридик факультетида ўз касбий фаолиятини давом эттирган. 1997 йилдан 2001 йилгача Петер Ван ден Бош Жаҳон Савдо Ташкилоти (Женева) Апелляция органининг маслаҳатчиси бўлган. 2001 йилда Апелляция органи котибияти директори вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган. Сўнг Петер Ван ден Бош Маастрихт университетига қайтиб, у ерда ўзининг профессорлик (халқаро иқтисодий ҳуқуқ бўйича) фаолиятини давом эттирган. 2005-2009 йилларда Маастрихт университети Халқаро ва Европа ҳуқуқи кафедраси мудири бўлган. Профессор Ван ден Бош 2009 йилда ЖСТнинг Апелляция органи аъзоси бўлиб тайинланган ва 2013 йилда ушбу лавозимга қайтадан тайинланган.

Петер Ван ден Бош (3-нашридан бошлаб Вернер Здук (Werner Zdouc) билан ҳаммуаллифликда) Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳуқуқи ва сиёсати қўлланмасининг муаллифи (китобнинг 4-нашри Кембриж университети матбуот уйи томонидан 2017 йилда чоп этилган). Ушбу китоб, шунингдек, Шан Венхуа (Shan Wenhua) билан ҳаммуаллифликда хитой тилида нашр этилган («Law Press» нашриётида 2020 йилда чоп этилган). Профессор Ван ден Бош, шунингдек, (Денис Превост (Denise Prévost) билан ҳаммуаллифликда) ЖСТ ҳуқуқи асослари қўлланмасининг (Кембриж университети матбуот уйи томонидан 2016 йилда чоп этилган) муаллифи ҳисобланади.

### Умид Якубходжаев

Умид Якубходжаев Берн Университети Жаҳон савдо институтининг ҳуқуқ мутахассислиги бўйича докторанти бўлиб, унинг илмий иши ЖСТ аъзоларининг ушбу ҳуқуқ тизими доирасидаги миллий тартибга солиш автономияси асимметрик (турлича бўлган) қўламларининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилишга қаратилган.

Умид Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг (ЖИДУ) юриспруденция (халқаро ҳуқуқий фаолият) йўналишида бакалавриятни, шунингдек, ушбу олий ўқув юртининг халқаро ҳуқуқ мутахассислиги бўйича магистратурасини имтиёзли тамомлаган.

Жаҳон савдо институтида ўз фаолиятини бошлашидан олдин Умид ЖИДУнинг «ЮНЕСКОнинг халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедрасида педагог ва илмий тадқиқотчи сифатида ишлаган. Шунингдек, У.Якубходжаев ҳуқуқий тадқиқот ва маслаҳат («Norma-Namkor» МЧЖ, «Coca-Cola Beverages Uzbekistan, Ltd» МЧЖ), қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, сайловларни ташкил этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш (UNDP/GEF, TEMPUS, ERASMUS+) борасида амалий тажрибага эга.

**ЖСТ ҳуқуқи ва унинг давлатлар ички қонунчилигидаги ўрни***А) Халқаро савдо қоидаларига бўлган эҳтиёж*

Мамлакатларнинг иқтисодий фаровонлиги кўп жиҳатдан халқаро савдога боғлиқ. Масалан, Жаҳон банки берган маълумотга кўра 2019 йилда Европа Иттифоқи ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 91 фоизи ташқи савдога боғлиқ бўлган. Бу кўрсаткич Замбияда 70 фоиз, Канадада 65 фоиз, Жанубий Африкада 59 фоиз, Ҳиндистонда 40 фоиз, Индонезия ва Японияда 37 фоиз, Хитойда 36 фоиз, АҚШда 26 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, охириги 20 йил ичида Хитой ва бошқа ривожланиб келаётган давлатлар иқтисодиётининг тез суръатларда ўсиши ҳеч шубҳасиз уларнинг экспорти ҳажмининг «портловчи» ўсиши натижасидир. Иқтисодчилар ва сиёсатчилар орасида, умуман, иқтисодий глобаллашув ва, хусусан, халқаро савдо иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда қашшоқликни камайтиришда мисли кўрилмаган имконият таклиф қилиши тўғрисида кенг консенсус мавжуд.

Бироқ, ушбу салоҳиятни амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро савдони халқаро даражада бошқариш ва тартибга солиш зарур. Агар бундай бошқарув бўлмаса, иқтисодий глобаллашув ва халқаро савдо ҳозирги вазиятни яхшилаш ўрнига иқтисодий тенгсизликни, ижтимоий адолатсизликни, атроф-муҳитнинг таназзулини ва маданий бир хилликни кучайтириши мумкин. Ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган давлатлар савдо бўйича халқаро қоидалар мавжуд бўлишидан қуйидаги сабабларга кўра манфаатдор бўлишлари керак:

- фаол манфаатдор гуруҳлар босими туфайли зарур бўлмаган ҳолатларда савдо-сотиқни чекловчи чораларнинг қўлланилишининг олдини олиш;
- тадбиркорларга ўз маҳсулот ёки хизматларининг халқаро савдосида қўлланиладиган миллий қоидалар бўйича хавфсизлик ва башорат қилиш имконини таъминлаш;
- халқ саломатлиги, атроф-муҳит ҳимояси, истеъмолчилар хавфсизлиги, минимал меҳнат стандартлари, иқтисодий ривожланиш ва жамоат ахлоқи каби муҳим ижтимоий қадриятлар ва манфаатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишни таъминлаш;
- иқтисодий жиҳатдан қудратли ва иқтисодий жиҳатдан кучсизроқ мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган қоидаларни тақдим этиш орқали халқаро иқтисодий муносабатларда тенгликни кенгроқ таъминлаш, ривожланаётган давлатларга халқаро савдо фойдаларидан адолатли улуш олиш имкониятини бериш.

*Б) ЖСТнинг асосий қоидалари ва манбалари*

ЖСТ ҳуқуқий тизимининг халқаро савдони тартибга солиб турувчи асосий моддий нормаларини қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

- дискриминацияга йўл қўймасликни талаб қилувчи қоидалар (миллий режим ва энг қулай режим);
- бозорга кириш қоидалари (тарифлар ва тариф бўлмаган чоралар);
- савдони эркинлаштиришни бошқа ижтимоий қадриятлар ва манфаатлар билан мувозанатлаш қоидалари;
- адолатсиз савдо билан боғлиқ қоидалар (демпинг ва субсидиялар);
- махсус соҳаларда миллий қонунчиликларни уйғунлаштиришга кўмаклашадиган қоидалар (савдодаги техник тўсиқлар, санитария ва фитосанитария чоралари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш).

ЖСТ ҳуқуқи, шунингдек, қарорлар қабул қилиш, савдо сиёсатини кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш қоидаларини ўз ичига олган институционал ва процессуал

қоидалардан иборат. Жаҳон савдо ташкилотининг ушбу барча моддий, институционал ва процессуал қоидалари биргаликда кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

ЖСТ ҳуқуқий тизимининг асосий манбаи 1994 йилда қабул қилинган Жаҳон савдо ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Марокаш шартномаси (ЖСТ шартномаси) ва унинг иловалари ҳисобланади. ЖСТ шартномаси ЖСТнинг мақсадлари, функциялари, органлари, унга аъзо бўлиш ва қарор қабул қилиш тартибларини қисқача тавсифловчи жами ўн олти моддадан иборат ҳужжат. Шунинг билан бирга, ушбу қисқа келишувга ЖСТ шартномасининг ажралмас қисмини ташкил этувчи ўн саккизта халқаро шартнома илова қилинган. Ушбу шартномалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товарлар савдоси бўйича кўп томонлама шартномалар (1-А илова), уларга қуйидагилар киради:
  - Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ТСБК 1994);
  - товарлар савдосининг ўзига хос жиҳатлари бўйича Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги шартнома, Санитария ва фитосанитария чораларни қўллаш тўғрисидаги шартнома, Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги шартнома, Антидемпинг чораларини қўллаш тўғрисидаги шартнома, Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги шартнома ва Савдони осонлаштириш тўғрисидаги шартнома каби ўн икки та халқаро ҳужжат;
- Хизматлар савдоси тўғрисида Бош келишув (ХСБК) (1-Б илова);
- Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги шартнома (ИМСЖШ) (1-С илова);
- Низоларни ҳал қилиш бўйича англашув (НҲА) (2-илова);
- Савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизми (ССКЧМ) (3-илова).

ЖСТ шартномасининг 1-, 2- ва 3-иловаларида келтирилган ушбу шартномаларнинг барчаси кўп томонлама шартномалар бўлиб, ЖСТнинг барча аъзолари учун мажбурий саналади. ЖСТ шартномасининг 4-иловасида иккита кўп томонлама шартномалар, яъни Фуқаролик самолётлари савдоси тўғрисидаги шартнома ва Ҳукумат харидлари тўғрисидаги шартнома мавжуд. Ушбу кўп томонлама шартномалар фақат уларга қўшилган ЖСТ аъзолари учун мажбурий. Ва ниҳоят шуни таъкидлаш керакки, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисидаги Протоколлар ЖСТ шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

ЖСТ шартномаси ва унинг кўплаб иловалари, шу билан бирга, ЖСТ ҳуқуқий тизимининг ягона манбалари эмас. Унинг бошқа манбалар ҳам мавжуд, аммо улар ЖСТ шартномаси билан бир хил характерга ёки ҳуқуқий мақомга эга эмас. Бошқа манбаларнинг аксарияти махсус, амал қилиниши мажбурий бўлган ҳуқуқ ёки мажбуриятларни белгиламайди. Улар ЖСТга аъзо давлатлар ўртасида ЖСТга тааллуқли бўлган қоидаларни «аниқлаштириш» ёки «таърифлаш»га ёрдам беради. ЖСТ қонунчилигининг бошқа манбалари орасида энг муҳими ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш амалиёти ҳужжатлари ҳисобланади. Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни кўриб чиқиш ҳайъатлари ва ЖСТнинг Апелляция органининг қарорлари (улар тизим доирасида ҳисоботлар деб номланади), асосан, кўриб чиқилган низо томонлари учун қонуний кучга эга. Шунингдек, бирон-бир низо бўйича чиқарилган ҳисоботда келтирилган Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари бўйича «аниқлаштиришлар» бошқа ўхшаш низолар бўйича ҳам ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса, Апелляция органи ҳисоботлари (қарорлари) катта аҳамиятга эга ва амалда худди шу масаладаги кейинги тортишувлар давомида инобатга олинади.

*В) ЖСТ ҳуқуқининг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни*

ЖСТ ҳуқуқи билан ЖСТга аъзо давлатларнинг миллий қонунчилиги ўртасидаги муносабатга келсак, ЖСТ шартномасининг XVI моддаси 4-параграфи ЖСТ аъзоларидан ўзларининг миллий қонунчилигини ЖСТ шартномалари қоидаларига мувофиқлигини таъминлашни талаб этади. Миллий қонунчилик, шу жумладан, конституциявий қонунлар асосида ЖСТ шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бузилишини асослаш мумкин эмас.

ЖСТ шартномасида ЖСТ қоидаларини ташкилот аъзолари миллий ҳуқуқий тизимида қандай мақомга эга бўлиши белгилаб қўйилмаган. ЖСТ аъзолари ўзларининг қонунчилиги ёки ҳукумат чоралари устидан уларнинг ЖСТ қоидаларига номувофиқлиги асосида миллий судларда шикоят қилиниши мумкинлиги ёки йўқлигини мустақил равишда белгилайди. Жаҳон савдо ташкилотининг аксарият аъзолари ўзларининг миллий судларида келиб чиқадиган низоларда ЖСТ шартномаларини бевосита қўлланилишига йўл қўймайди. Яъни ЖСТ ҳуқуқи аксарият ташкилотга аъзо давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимида тўғридан тўғри қўлланмайди.

Европа Одиллик суди бир неча бор Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларини Иттифоқда тўғридан тўғри қўллашни рад этди. Суд бу борадаги ўз фикрини ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг ўзига хослиги, шунингдек, Европа Иттифоқининг энг муҳим савдо шериклари ҳам ЖСТ ҳуқуқини бевосита ўз миллий қонунчилигида қўллагани билан асослади. Фақат истисно ҳолатларда, масалан, Европа Иттифоқининг ҳуқуқий ҳужжатлари ЖСТ қоидаларига аниқ ҳавола қилганида, ЖСТнинг тегишли қоидалари Иттифоқда тўғридан тўғри қўлланиши мумкин. Шунингдек, АҚШ, Япония, Хитой ва Ҳиндистон ЖСТ шартномаларини ўз миллий қонунчилигида бевосита қўллашга йўл қўймайди. Шу билан бирга, ЖСТ шартномалари Мексика ички ҳуқуқ тизимида тўғридан тўғри амал қилади.

*Г) ЖСТ ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими.*

Ўзбекистон ЖСТга қўшилганда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ЖСТ шартномалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга кўшилиши билан боғлиқ ҳужжатлари (ЖСТга қўшилиш тўғрисидаги Протокол ва Ишчи гуруҳи ҳисоботи) Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Бироқ бундан аввалги халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган ушбу янги ҳолат (яъни халқаро шартномалар миллий «ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми» деган ибора) айнан қандай мазмунга эга экани аниқлаштирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ушбу ҳужжатнинг 16-моддасида эса бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Бу борада «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) 7-моддаси Конституциянинг юқоридаги ҳолатларини такрорлаб ўтади.

Шу билан бирга, Конституцияда халқаро шартномаларнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги мақомига бағишланган ҳолат мавжуд эмас. Бу борада илмий доирада Конституция муқаддимасида «Ўзбекистон халқи [...] халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда [...] Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади» деган ҳолат халқаро ҳуқуқни миллий қонун ҳужжатларидан устунлигининг тан олинишини англатиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ, биринчидан, муқаддима декларатив қисмдир, иккинчидан, аксарият халқаро шартномалар (жумладан, ЖСТ шартномалари)

нормалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ҳисобланмайди (жуда кам сонли шартномалар шундай қоидаларни ўзида акс эттириши мумкин).

Шунга қарамай, амалда, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси қоидалари ички ҳуқуқий тизимга имплементация қилинганидан сўнг, улар миллий қонунчиликнинг бир қисмига айланади. Имплементация қўйидаги усулларда амалга оширилади:

- шартномани ички қонунчиликка трансформация қилиш (асосан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар ҳолатида). Масалан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг (1989 й.) асосий меъёрлари ва тамойилларини ички қонунчиликка айлантирган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун (2007 й.);
- халқаро шартномага ҳавола (асосан халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан). Масалан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 18-моддаси (2016), Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенцияга (1956 й.), Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясига (1975 й.) мурожаат қилади;
- айрим ҳолатларда шартнома қоидаларининг устунлиги эътироф этиладиган «намунавий банд» воситасида:
  - «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.»
  - айрим миллий норматив ҳужжатларнинг мавжуд қоидаларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган шартнома ҳолатларининг тўғридан тўғри қўлланиши.

Бироқ бу борада миллий қонунчиликда айрим бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-моддаси: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан **имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса**, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

*Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.»*

2019 йилгача миллий қонун чиқарувчилар «намунавий банд»ни турли қонунчилик ҳужжатларига киритиш-киритмаслик тўғрисида ҳар бир ҳолда алоҳида қарор қабул қилишлари мумкин эди. Шу билан бирга, 2019 йил «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан сўнг (2-модданинг учинчи қисми) ушбу қоида Ўзбекистоннинг барча норматив ҳужжатларига нисбатан қўлланади (аммо бу борада Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида Конституция ва қонунларнинг мутлақ устунлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим).

Шу сабабли, Жаҳон савдо ташкилотининг айрим меъёрлари (чегарадаги ва чегара ичидаги чоралар бўйича), улар ва тегишли миллий норматив ҳужжатлар қоидалари ўртасида зиддият мавжуд бўлганда, ички қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига нисбатан устувор бўлиши мумкин (бу масала, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш шартларига ҳам боғлиқ бўлади). Шу муносабат билан ички судлар ЖСТ ҳуқуқи билан боғлиқ қўйидаги масалалар билан шуғулланиши мумкин:

- савдо сиёсатини бошқариш/маъмуриятчилиги. Жумладан:

- давлат органларининг тегишли қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);
- шаффофлик масалалари (норматив ҳужжатларни чоп этилиши, баъзи маълумотларни олиш ҳуқуқи);
- савдо масалалари. Жумладан:
  - тарифлар ва бошқа божхона тўловлари билан боғлиқ чоралар.

Масалан, товарларнинг божхона қийматига асосланган божхона йиғимларининг дифференциал (прогрессив) ставкалари тизимининг ўрнатилиши (ЎзР ВМнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон қарори) ЖСТнинг тегишли қоидаларига мувофиқ бўлардими? (ТСБКнинг VIII моддаси 1-параграфи бу турдаги барча тўловлар ва йиғимлар кўрсатилган хизматларнинг (божхона расмийлаштируви) амалдаги қийматига яқин нархлар билан чекланган бўлиши керак ва маҳаллий маҳсулотларнинг билвосита ҳимоя қилиниш бўлмаслиги кераклигини талаб этади).

Масалан, ЖСТга аъзо бўлиш бўйича музокаралар олиб борилаётганда баъзи мамлакатлар ўзларининг мазкур масаладаги божхона тўловлари тизимини ислоҳ қилишлари талаб этилган:

*«Кабо-Верде вакили унинг ҳукумати амалдаги товарлар қийматининг 1,04 фоиз миқдоридagi божхона тўловларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун ўз қонунчилигини 2012 йил декабрга қадар уни қўлланишини ТСБКнинг VIII моддасига мувофиқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқишини тасдиқлади.»*

Жаҳон савдо ташкилотига Кабо-Верденинг қабул қилиниши тўғрисидаги ишчи гуруҳ ҳисоботининг 99-банди (WT/ACC/CPV/30, 2007).

- Баъзи чегара ва тарифсиз чоралар билан боғлиқ масалалар. Масалан,
  - божхона қиймати;
  - келиб чиқиш қоидалари;
  - импортни лицензиялаш;
  - савдони осонлаштириш;
  - санитария ва фитосанитария тадбирлари;
  - савдо-сотикдаги техник тўсиқлар;
  - савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари;
  - антидемпинг чоралари;
  - субсидиялар ва компенсация чоралари;
  - муҳофаза чоралари.

## ЖСТда низоларни ҳал қилиш: фактлар ва рақамлар

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими давлатлараро халқаро низоларни ҳал қилишда энг кўп қўлланиладиган механизмдир. ЖСТ ташкил этилган 1995 йилдан то ҳозирги кунга (яъни 2020 йилнинг 1 октябрь кунига) қадар 596 та низо ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимига тақдим этилган бўлиб, улар бўйича 235 та ҳайъат ва 146 апелляция органи ҳисоботлари қабул қилинган. Низоларнинг 80 фоизида жавобгар чиқарилган қарорлардаги тавсияларни ижро этган. Гарчи кўплаб низолар техник табиатга эга бўлса-да, уларнинг айримлари нозик сиёсий масалаларда бўлиб, ўзига кенг даражада оммавий ахборот воситалари эътиборини тортган.

Оммавий ахборот воситалари кўп эътибор қаратган низолар асосан соғлиқни сақлаш ёки атроф-муҳит масалаларига бағишланган ички қонунчилик билан боғлиқ. Улар қаторига *ЕҲ (Европа Ҳамжамияти) – гормонлар* (1998 ва 2008 йилларда кўрилиши бошланган), европада ўсиш гормонлари билан боқилган қорамол гўштини тақиқлаш тўғрисидаги низо; *АҚШ – Майда қисқичбақалар* (1998 ва 2001 йиллар), АҚШнинг денгиз тошбақаларини тасодифий ўлдирувчи тўрларни ишлатган ҳолда овланган қисқичбақаларни тақиқлаш бўйича қўллаган чораси юзасидаги низо; *ЕҲ – асбест* (2001 йил), Францияда асбест ва асбестни ўз ичига олган маҳсулотларни тақиқланиши юзасидан келиб чиққан низо; *ЕҲ – биотехника маҳсулотларини тасдиқлаш ва маркетинги* (2006 йил), биотехника маҳсулотларини Европада тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низо; *Бразилия – қайта ишланган шиналар* (2007 йил), чиқинди шиналари тўпланишидан келиб чиқадиган хатарларни камайтириш бўйича Бразилия чоралари бўйича баҳс; *АҚШ – Туна балиғи II* (Мексика) (2012, 2015 ва 2019 йиллар), туна балиқлари консерва идишларида АҚШнинг «дельфинлар учун хавфсиз» ёрлиғидан фойдаланиш бўйича талабларга оид низо; *АҚШ – чиннигуллардан тайёрланган сигаретлар* (ёки чиннигул сигареталари, 2012 йил), АҚШнинг ментоли сигаретлардан ташқари таъмли (чиннигуллардан тайёрланган сигареталар ҳам таъмли ҳисобланади) сигаретларга тақиқ қўйиши тўғрисидаги низо; *Хитой – хомашё* (2012 йил) ва *Хитой – нодир ер элементлари* (2014 йил), юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим табиий ресурслар бўйича Хитойнинг экспортни чеклашлар ҳақида қарори юзасидан келиб чиққан низолар; *Австралия – тамаки маҳсулотларини жозоба этмайдиган қилиб махсус қадоқлаш* (2020 йил), Австралиянинг барча тамаки маҳсулотларини бир стандартга эга шакл ва рангларда (яъни ёқимсиз кўринишда) қутилаш тўғрисидаги талаби юзасидан келиб чиққан низо кабилар киради. Бундан ташқари, *ЕҲ ва айрим аъзо давлатлар – йирик фуқаро авиацияси* (2011 ва 2018 йиллар) ва *АҚШ – йирик фуқаро авиацияси* (2012 ва 2019 йиллар) низолари Европа ва АҚШ томонидан ўзларининг мос равишда Эйрбас (Airbus) ва Боинг (Boeing) компанияларига миллиардлаб евро ва АҚШ доллари ҳисобидаги субсидияларни беришлари билан боғлиқ иқтисодий жиҳатдан ўта муҳим ва сиёсий жиҳатдан жуда ҳам нозик масалалар борасида кечган. Шунингдек, *ЕҲ – бананлар III* (1997), Европа Иттифоқининг Африка, Кариб денгизи ва Тинч океанидаги собиқ колониялардан бананларини импорт қилишнинг имтиёзли режими тўғрисидаги низо ҳамда *ЕҲ – денгиз мушугидан тайёрланган маҳсулотлар* (2014 йил), Европа Иттифоқининг жамоат ахлоқи сабабли денгиз мушугидан тайёрланган маҳсулотлари импортига ўрнатилган тақиқ чоралари туфайли юзага келган низо ҳам жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган.

Бугунги кунга келиб ЖСТнинг ривожланган иқтисодиётга эга аъзолари, хусусан, АҚШ ва Европа Иттифоқи ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг энг фаол шикоятчилари ҳисобланади. Шу билан бирга, ривожланаётган давлатлар бўлмиш аъзолари ҳам ушбу тизимдан бошқа ривожланаётган давлатлар, шунингдек, ривожланган давлатлар бўлган ЖСТ аъзолари билан савдо низоларини ҳал қилиш учун тез-тез фойдаланиб келмоқда. АҚШ ва Европа Иттифоқи энг фаол шикоятчилар бўлса-

да, айнан улар ишлар бўйича энг кўп жавобгар бўлган аъзолар бўлиб ҳам ҳисобланади. Довуд ва Гўлиёт жангига қиёсланиши мумкин бўлган кичик ва катта давлатлар ўртасидаги низоларга мисол сифатида АҚШ – қимор ўйинлари (2005 ва 2007 йиллар), бу ишда кичкинагина бўлган Антигуа ва Барбуда (90 000 аҳолиси бўлган орол давлат) томонидан АҚШнинг интернет-қимор ўйинларини тақиқлашига қарши низо қўзғатган. Шунингдек АҚШ – ички кийимлар (1997 йил), Коста-Риканинг АҚШ томонидан ушбу давлатдан тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилишни чеклаш чораларидан шикоят қилган низоларни келтириш мумкин.

### **ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: келиб чиқиши, юрисдикцияси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи**

#### *А) ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг келиб чиқиши*

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими тўлиқ янги механизм эмас. У 1947 йилдаги Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ТСБК) доирасида савдо низоларини ҳал қилиш бўйича деярли эллик йиллик тажрибага асосланади. 1947 йилдаги ТСБКнинг XXII ва XXIII моддалари асосида прагматик равишда ривожлантирилган низоларни ҳал қилиш тизими кўпроқ дипломатик характерга эга бўлган дастлабки даврда анча муваффақиятли бўлган. Шу билан бирга, ТСБКда низоларни ҳал қилиш аста-секин юридик хусусият касб этиб бориши билан тизимдаги мавжуд камчиликлар ҳам кўзга ташлана бошлади. ТСБК низоларни ҳал қилиш тизимининг асосий камчилиги бўлиб, муҳим қарорлар, масалан, низо эшитиш учун экспертлар гуруҳини тузиш ҳамда ҳайъатларнинг хулосаларини мажбурий ижрога қаратиш учун уларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ТСБК аъзоларининг барчаси ўртасидаги консенсус асосида қабул қилинган. Бу низодаги томон унга қарши ишни кўриб чиқиш учун ҳайъат тузилишига тўсқинлик қилиши ёки унга ноқулай бўлган ҳар қандай хулосанинг мажбурий бўлишига йўл қўймаслиги мумкинлигини англатар эди. 1980-йилларга келиб ТСБКнинг низоларни ҳал қилиш тизимидаги консенсус асосида қарорларни қабул қилиш ушбу тизимни кўпгина вазиятларда самарасиз қилиб қўйди. Натижада АҚШ кўп вазиятларда ўзи ТСБК талаблари бузилган деб санаган ҳолатларга нисбатан бир томонлама чоралар кўра бошлади. АҚШнинг бундай бир томонлама чоралар кўриши эса бошқа давлатларни хавотирга туширди.

ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими ушбу камчиликларни низоларни ҳал қилиш жараёнидаги муҳим масалар бўйича тескари консенсус воситасида қарорларни қабул қилиш, яъни барча ЖСТ аъзоларининг (шу жумладан, низода ютиб чиққан томон) рози бўлиши асосидагина низо бўйича қарорларни қабул қилмаслик тартибини жорий этиш йўли билан бартараф этди. Шунингдек, ЖСТнинг Низоларни ҳал қилиш бўйича англашув (НҲА) тизимда қатъий муддатлар ва апелляция тартибида ишни кўриб чиқиш каби бир қатор янгиликларни ҳам жорий этди. НҲА Уругвай раундидаги музокараларнинг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Умуман, ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш механизми, мажозий маънода Жаҳон савдо ташкилоти «тожидаги марварид» деб ҳам номланган. Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими жуда мукамал бўлмаса-да, кўп йиллар давомида аъзоларга яхши хизмат қилди ва кўп томонлама савдо тизимининг хавфсизлиги ва башорат қилинишини таъминлади. Аммо ҳозирги вақтда ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими инқирозга юз тутмоқда. Айниқса, Америка Қўшма Штатлари тизимни, хусусан, Апелляция органини қаттиқ танқид қилиб келмоқда. АҚШ Апелляция органини шартнома ҳолатларини уларнинг мазмунидан четга чиқиб, кенгайтириб шарҳлашда («суд фаоллиги»да) ва баъзи процессуал ва институционал қоидаларга «очиқдан-очиқ эътиборсизликда»

айбламоқда. Натижада АҚШнинг ушбу ёндашуви Апелляция органининг фалажига олиб келди ва умуман Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизимининг ишлашига салбий таъсир этди.

*Б) Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизимининг юрисдикцияси*

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизимининг ваколат доираси жуда кенг. У Жаҳон савдо ташкилотининг барча кўп томонлама шартномалари (Савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизми бундан мустасно) ва Ҳукумат харидлари тўғрисидаги кўп томонлама битим асосида юзага келадиган барча низоларни қамраб олади. Ушбу шартномалар «қамраб олинган шартномалар» деб номланади (НҲАнинг 1-иловасига қаранг).

Шундай қилиб, низолар ЖСТга аъзо давлатларнинг кенг кўламли чоралари, шу жумладан, божхона тўловлари, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хизматлар савдоси билан боғлиқ қоидалар, санитария ва фитосанитария чоралари, антидемпинг божлари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чоралар асосида келиб чиқиши мумкин. Яъни низо келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳар қандай чора ЖСТ аъзоси давлат органи фаолияти (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) деб ҳисобланиши ёки унинг таъсирида келиб чиққанлиги тасдиқланган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг юрисдикцияси мажбурий, эксклюзив ва тортишувли характерга эга. ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими томонлар учун мажбурийдир. Зеро, ЖСТнинг бир аъзоси унинг бошқа бир аъзосига нисбатан низони ушбу тизимга тақдим этганида жавобгар томон тизим юрисдикциясини қабул қилишдан бошқа иложи йўқ (танлов имконияти мавжуд эмас). БМТ Халқаро судидан фарқли ўлароқ, ЖСТ тизимида жавобгар томон низони кўрилишига ўз розилигини бериши шарт эмас.

ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизимининг юрисдикцияси эксклюзив ҳисобланади, зеро НҲАнинг 23-моддасига асосан ЖСТ ҳуқуқи («қамраб олинган шартномалар») асосида низо ишини қўзғатмоқчи бўлган ЖСТ аъзоси бу ишни фақат ЖСТнинг низоларини ҳал қилиш тизимида кўриб чиқилишини сўраши мумкин. Яъни «қамраб олинган шартномалар» (ЖСТ шартномалари) асосидаги низолар БМТ Халқаро суди каби бошқа низоларни ҳал қилиш механизмларида кўриб чиқиладиган бўлмайди.

Ва, ниҳоят, ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими юрисдикциясининг тортишувли хусусияти шундан иборатки, у фақат низо асоси бўлган ЖСТ шартнома нормасини аниқлаштириш масаласида боради. Унинг маслаҳат хулосаларини чиқариш ваколати йўқ.

*В) ЖСТнинг низоларини ҳал қилиш тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи*

ЖСТнинг низоларини ҳал қилиш тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи фақат ЖСТ аъзоларига берилган. ЖСТ котибияти, аъзо бўлмаган давлатлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар, фуқаролик жамияти вакиллари ёки шахслар ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимида даъво кирита олмайди. Аммо амалда деярли барча низоларни аъзолар манфаатдор бўлган саноат ёки компанияларнинг қистови билан бошлайдилар. Компаниялар ёки саноат ассоциациялари кўпинча саҳна ортида ҳуқуқий стратегияни режалаштиришда ва низолар бўйича тақдим этилган материалларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Шу тарзда улар ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидан «билвосита фойдаланиш ҳуқуқига»га эга дейиш мумкин.

ЖСТ аъзоси, агар унга қамраб олинган шартномалардан бирида бериладиган имкониятлар бекор қилинган ёки камайган деб ҳисобласа, бу борада ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимида мурожаат қилиши мумкин (1994 йилдаги ТСБКнинг

XXIII моддаси 1-параграфи ва бошқа қамраб олинган шартномаларнинг шунга ўхшаш қоидалари).

Шикоят қилувчи деярли ҳар доим жавобгар ЖСТ қоидаларини бузгани учун (қоида бузилиши тўғрисидаги шикоят) даъво қўзғатади, бу ҳолда имкониятларнинг бекор қилингани ёки камайгани тахмин қилинади (НХАнинг 3-моддаси 8-параграфи). Шу билан бирга, имкониятларни бекор бўлиши ёки камайиши ЖСТ қоидаларини бузмайдиган чора ёки ҳолат натижаси бўлиши ҳам мумкин (НХАнинг 26-моддаси 1 ва 2-параграфларида назарда тутилган қоида бузилиши бўлмаган чора ёки вазият бўйича шикоят). Қоида бузилиши бўлмаган чора ёки вазият бўйича шикоят ҳолатида даъвогар имкониятнинг бекор қилингани ёки бузилганини исботлаши керак бўлади. Бугунги кунга қадар қоида бузилиши бўлмаган чора бўйича биронта ҳам муваффақиятли шикоятлар бўлмаган ва қоида бузилиши бўлмаган вазият бўйича ҳеч қандай шикоят кўрилмаган. Натижада ушбу турдаги шикоятлар бугунги кунга қадар амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмади. ЖСТ аъзолари бошқа аъзога қарши иш очиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилади. НХАнинг 3-моддаси 7-параграфи аъзодан низони қўзғатишидан олдин бунинг учун НХА процедуралари «самарали бўладими» деган масалада «ўзи қарор қабул қилишини» талаб қилади. Бироқ аъзолар ушбу талабни қўллашни асосан ўзлари тартибга соладилар, зеро ҳайъатлар ЖСТ аъзоларининг ҳайъатга мурожаат қилиш «самарали» бўладими-йўқми деган масаладаги қарорларини шубҳа остига олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Низолашаётган томонлардан ташқари, бошқа аъзолар Жаҳон савдо ташкилотининг низоларини ҳал қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин. Кўриб чиқиладиган маълум бир низода «катта манфаатдорликка эга» бўлган ва Низоларни ҳал қилиш органига (НҲО) ушбу манфаатдорликни ўз вақтида хабардор қилган ҳар қандай аъзо низо кўрилишида «учинчи шахс» (НХАнинг 10-моддаси) ёхуд низо кўрилишида «учинчи шахс» бўлган ҳар қандай аъзо Апелляция органи ишларининг «учинчи иштирокчиси» бўлиши мумкин (НХАнинг 17-моддаси 4-параграфи). Учинчи шахслар ва учинчи иштирокчилар тегишли равишда ҳайъат ва Апелляция органи томонидан тингланиш ҳуқуқига эга. ЖСТ аъзолари ЖСТнинг низоларни кўриб чиқиш жараёнида ўз делегациялари таркибини белгилаш ҳуқуқига эга. Чунинчи улар ушбу жараёнда ўзларини ҳимоя қилиш учун хусусий юридик маслаҳатчиларидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

### **ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: мақсади, ваколати ва ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоя воситалари**

#### *А) ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг мақсади*

НХАнинг 3-моддаси 7-параграфига биноан ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизимининг асосий мақсади низони ижобий ҳал қилишдир. Шунинг учун тизим судлашув орқали эмас, балки маслаҳатлашувлар (яъни музокаралар) орқали низоларни ҳал қилишни афзал кўради. Дўстона низони ҳал қилиш низолашаётган томонларнинг узоқ муддатли савдо алоқалари учун судлашувда эришилган низо ечимига қараганда арзонроқ ва яхшироқ. Аммо маслаҳатлашувларда ўзаро келишилган ечимга эришилмаса, низо Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш ҳайъатига топширилиши мумкин.

#### *Б) Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизимининг ваколати*

Низоларни ҳал қилиш тизими кўп томонлама савдо тизимининг хавфсизлиги ва башорат қилинишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга (НХАнинг 3-моддаси 2-параграфи). Ушбу мақсад ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидаги

«прецедент»нинг ролига таъсир қилади. Жумладан, қабул қилинган ҳайъат ва Апелляция органи ҳисоботларида келтирилган ҳуқуқий шарҳлар ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг бир қисмига айланади ва кейинги ишлар кўриб чиқишида ҳайъатлар ва Апелляция органи томонидан инобатга олинади. Бошқача қилиб айтганда, шартнома қоидаларини қўллаш фақат низо бўйича содир бўлган ҳолатга тегишли бўлса-да, бу норма юзасидан қабул қилинган ҳайъат ва Апелляция органи ҳисоботларида келтирилган тушунтиришлар бошқа шу каби низолар учун муҳим аҳамиятга эга. Низоларни ҳал қилиш тизими уларни бир томонлама ҳаракатлар орқали эмас, балки кўп томонлама тизим орқали ҳал қилишни таъминлашга қаратилган. НХАнинг 23-моддаси 1-параграфи аъзолардан ЖСТ шартномалари қоидалари бузилишини тугатиш учун НХАда белгиланган тартибларга мурожаат қилишни аниқ талаб қилади.

НХАнинг 3-моддаси 2-параграфига биноан Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими қамраб олинган шартномалар бўйича аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини сақлашга ва ушбу шартномаларнинг мавжуд қоидаларини аниқлаштиришга хизмат қилади. Ушбу аниқлаштиришлар Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг (ХШВК) 31- ва 32-моддаларида кодификация қилинган шартнома ҳолатларини шарҳлашнинг халқаро оммавий ҳуқуқнинг одат қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Ушбу қоидаларга мувофиқ ҳайъатлар ва Апелляция органи тегишли қамраб олинган шартнома ҳолатларини виждонан, уларда қўлланган сўзларнинг ўз маъносига мувофиқ, кетирилган шартнома контексти асосида ва келишувнинг объекти ва мақсади нуқтаи назаридан шарҳлайдилар. Зарур ёки фойдали бўлган ҳолларда шарҳлаш учун қўшимча воситаларга, масалан, тегишли шартномани тузишдаги тайёргарлик ишлари ёки уни тузиш ҳолатларига мурожаат этилиши мумкин бўлади. ЖСТ шартномаларида аниқлаштирилиши талаб этиладиган ноаниқ ҳолатлар жуда кўп учрайди. Бироқ ЖСТ шартномалари қоидаларини «аниқлаштириш» бўйича ҳайъатлар ва Апелляция органининг ваколати қатъий чекланган. НХА 3-моддаси 2-параграфи ва 19-моддаси 2-параграфида ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими ЖСТ аъзоларининг қамраб олинган шартномаларда берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтмаслиги ёки қисқартмаслиги лозимлиги таъкидланиб, шу билан ҳайъатлар ва Апелляция органини ишни кўришда шартнома ҳолатларини шарҳлашда уларнинг мазмунидан четга чиқиб, берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириб шарҳлашдан («суд фаоллиги»дан) огоҳлантиради.

#### *В) ЖСТ ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоя воситалари*

Низо келиб чиқишига сабаб бўлган чоралар ЖСТ шартномалари талабларига зид деб топилганда, жавобгар бўлган аъзо ўзининг тегишли чораларини ЖСТ шартномалари талабларига дарҳол мувофиқлаштириши керак (НХАнинг 21-моддаси 1-параграфи). Агара буни дарҳол бажаришнинг имкони бўлмаса, манфаатдор аъзо «оқилона вақт ичида» ўзининг тегишли чораларини ЖСТ шартномалари талабларига мувофиқлаштириши керак бўлади (НХАнинг 21-моддаси 3-параграфи). Кўпинча тавсияларни ижро этиш учун томонлар «оқилона вақт» тўғрисида келишувга эришадилар, аммо бундай келишувга қирқ беш кун ичида эришишнинг имкони бўлмаса, бу масала арбитражга тақдим этилиши мумкин (НХАнинг 21-моддаси 3-параграфи с-банди). Оқилона вақт ЖСТ аъзосининг ҳуқуқий тизимда қарорни ижро этиш учун мумкин бўлган энг қисқа муддат бўлиши керак. Тегишли аъзонинг сиёсий ёки иқтисодий ҳолати қарорни ижро этиш учун оқилона муддатни белгилашда аҳамиятли ҳисобланмайди. Амалиётда қарорларни ижро этиш учун белгиланган оқилона муддат олти ойдан ўн беш ойгача бўлган муддатни ташкил қилган.

ЖСТ шартномалари талабларига зид деб топилган чорани ўзгартириш ёки бекор қилиш йўли билан унинг «тезкор мувофиқлигини» таъминлаш ЖСТ ҳуқуқбузилиши билан боғлиқ якуний ҳуқуқий ҳимоя воситаси ҳисоблансада, НҲА, шунингдек, қарорлар бажарилмаган тақдирда (мувофиқлик таъминланмаганда) иккита вақтинчалик ҳимоя воситасини, яъни компенсация (товон пули эмас, балки бозорга кириш учун тегишлича имконият яратиб бериш) ва қарши чора ҳам назарда тутати. Агар жавобгар томон НҲО тавсиялари ва қарорларини «оқилона вақт ичида» тўғри бажара олмаган бўлса, даъвогар томон талаби билан компенсация масаласини келишиш учун у билан ўзаро музокараларга киришиши шарт (НҲАнинг 22-моддаси 2-параграфи). Бу ҳолатда компенсация белгиланган «оқилона вақт» ўтганидан сўнг етказиладиган зарарларга нисбатан қўлланиб, бундан аввал етказилган зарарларни ҳисобга олмайди. Агар компенсация бўйича келишув ижро учун белгиланган «оқилона вақт» туганидан кейин йигирма кун ичида тузилмаса, даъвогар НҲОдан жавобгарга нисбатан тенг даражадаги имтиёзлар ёки бошқа мажбуриятларни тўхтатиб туришни, яъни қарши чора учун рухсат берилишини сўраши мумкин (НҲАнинг 22-моддаси 2-параграфи). НҲО бундай рухсатни тескари консенсус асосида беради, яъни бундай қарорни тасдиқлаш деярли автоматик тарзда амалга оширилади. Қарши чоранинг даражаси (миқдори) ЖСТ томонидан номувофиқ деб топилган чоралар сабабли бекор бўлган ёки камайган имконият (зарар) даражасидан ошмаслиги лозим (НҲАнинг 22-моддаси 4-параграфи). Қарши чоранинг даражасига оид низолар арбитражга топширилади. Одатда, бу масала низони кўриб чиққан ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади (НҲАнинг 22-моддаси 6-параграфи).

### **ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими: институтлари, жараён ва тартиблар**

#### *А) Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш органлари*

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилишда иштирок этадиган орган ва институтларини икки гуруҳга ажратса бўлади: бир сиёсий орган ва иккита мустақил, суд типига тузилмалар. Биринчи гуруҳга низоларни ҳал қилиш органи (НҲО) кирса, иккинчи гуруҳга низоларни ҳал қилиш бўйича вақтинчалик (*ad hoc*) ҳайъатлар ва доимий апелляция органини киритиш мумкин.

НҲО ЖСТнинг барча аъзолари вакиллари билан иборат ва низоларни ҳал қилиш тизимини бошқаради. НҲАнинг 2-моддаси 1-параграфига биноан НҲО ҳайъатлар тузиш, ҳайъат ва Апелляция органлари ҳисоботларини қабул қилиш (бундай тасдиқлаш орқали ушбу ҳисоботлар мажбурий кучга эга бўлади) ва, агар ЖСТ аъзоси ҳайъат ва/ёки Апелляция органининг қарорларини бажармаган бўлса, унга нисбатан жавоб чораларини кўришга рухсат бериш ваколатига эга. Кўриниб турибдики, гарчи низоларни ҳайъатлар ва Апелляция органи ҳал қилса ҳам, НҲҚО (яъни сиёсий орган) бутун жараённи назорат қилади ва бу низоларни кўриб чиқилишининг судлов хусусиятининг чекланишига олиб келиши мумкин. Бироқ бу ҳолатда шуни таъкидлаш керакки, ҳайъатларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар, ҳайъатлар ва Апелляция органи ҳисоботларини қабул қилиш ва қарши чораларига рухсат бериш тўғрисидаги қарорлар НҲҚО томонидан тескари консенсус асосида қабул қилинади. Яъни агар НҲО аъзолари ўртасида тегишли қарорни қабул қилмаслик тўғрисида келишув бўлмаса, НҲҚО ушбу масалалар бўйича қарорларни автоматик қабул қилди. Зеро НҲҚОдан қарорни қабул қилишни сўраётган ЖСТ аъзосини ушбу қарорни қабул қилишига қарши консенсусга қўшилишини тасаввур қилиш мушкул. НҲҚОнинг бошқа қарорлари ҳам НҲАнинг 2-моддаси 4-параграфига мувофиқ консенсус асосида қабул қилинади. Бунга Жаҳон савдо ташкилотининг низоларини ҳал қилиш бўйича хатти-ҳаракатлар

қоидаларини қабул қилиш ва Апелляция органи аъзоларини тайинлаш ва қайта тайинлаш тўғрисидаги қарорлар ҳам киради.

Ҳайъатлар – муайян низони кўриб чиқиш мақсадида ташкил этилган вақтинчалик органлар ва улар бу вазифани бажаргандан сўнг тарқатиб юборилади. НҲАнинг 6-моддасида кўрсатилганидек, ҳайъатлар НҲО томонидан тескари консенсус асосида, шикоятчининг илтимосига биноан, энг кечи билан ҳайъат сўрови кун тартибида бўлган НҲОнинг иккинчи йиғилишида ташкил этилади. Ҳайъат ташкил этилгандан сўнг, томонлар ЖСТ котибияти томонидан киритилган таклифлар асосида унинг таркиби тўғрисида қарор қабул қилишади. Аммо агар улар ташкил этилганидан кейин йигирма кун ичида ҳайъат таркиби тўғрисида келиша олмасалар, ҳар қандай томон ЖСТнинг Бош директоридан ҳайъат таркибини тайинлашни сўраши мумкин. Бош директор сўров келиб тушган санадан бошлаб ўн кун ичида тегишли ҳайъатни шакллантиради (НҲАнинг 8-моддаси 7-параграфи). Сўнгги йилларда Бош директор томонидан кўплаб ҳайъатлар тузилди. Умуман олганда, ҳайъатлар учта малакали давлат ва/ёки нодавлат тузилмаларда фаолият юритувчи шахслардан иборат (масалан, дипломатлар ёки савдо вакиллари; камдан кам ҳолларда илм-фан соҳаси вакиллари ёки амалиётчи адвокатлар) (НҲАнинг 8-моддаси 1-параграфи). Ҳайъат таркиби (яъни ҳайъат аъзолари), агар томонлар бу борада бошқача келишувга эришмаган бўлсалар, низолашаётган томонларнинг ёки ишда учунчи шахс бўлиб қатнашаётган ЖСТ аъзоларининг фуқароси бўлиши мумкин эмас (НҲАнинг 8-моддаси 3-параграфи). Агар ҳайъат аъзоси бирор бир давлат вакили бўлса, у ишни кўришда ҳукумат вакили сифатида эмас, балки шахсий мақомда фаолият олиб боради (НҲАнинг 8-моддаси 9-параграфи). Ҳайъат аъзолари ЖСТ низосини кўриб чиқишда ЖСТ низоларини ҳал қилиш бўйича Хатти-ҳаракатлар қоидаларига бўйсундилар. Хулқ-атвор қоидалари ҳайъат иштирокчиларидан мустақил ва холис бўлишни, бевосита ёки билвосита манфаатлар келишмовчилигидан қочиш ва низо ишларининг муҳимлигини ҳурмат қилишни талаб қилади. Ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳайъат аъзолари ўзларининг мустақиллиги ёки холислигига таъсир этувчи ёки адолатли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатдорлик, муносабатлар ёки ҳолатни ошкор қилиши шарт. Томонлар НҲО раисидан Хатти-ҳаракатлар қоидаларини жиддий равишда бузгани сабабли ҳайъат аъзосини рад қилишни сўрашлари мумкин. Бугунги кунга қадар бирон бир ҳайъат аъзоси рад қилинмаган, аммо жуда камдан кам ҳолларда бирон бир низолашаётган томон манфаатлар тўқнашинуви мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақида ташвиш билдирганида тегишли ҳайъат аъзоси ўз ихтиёрига кўра ҳайъатни тарк этган.

Апелляция органи – бу ҳуқуқ, халқаро савдо ва одатда кўриб чиқилган шартномаларнинг предмети бўйича тан олинган обрўга эга еттита мустақил шахсдан таркиб топган доимий фаолият олиб борадиган халқаро низоларни ҳал қилувчи органдир (НҲАнинг 17-моддаси 1-, 3-параграфлари). Апелляция органи аъзолари НҲО томонидан тўрт йил муддатга тайинланади. Айнан бир шахс фақат икки муддатга Апелляция органи аъзоси сифатида тайинланиши мумкин (НҲАнинг 17-моддаси 2-параграфи). Апелляция органининг таркиби ЖСТ аъзоларининг кенг вакилликка асосланиши керак. Апелляция органи аъзолари ҳеч қандай ҳукумат билан муносабатда бўлишлари мумкин эмас (НҲАнинг 17-моддаси 3-параграфи). Шунингдек, улар Апелляция органи аъзолари сифатида ўз вазифаларига зид бўлган ҳар қандай ишга қабул қилишлари ёки бирон бир касбга доир фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас (Апелляция текширувини олиб бориш тартибларининг 2(2)-қоидаси). Апелляция органи апелляция шикоятларини унинг учта аъзоси таркибидаги ҳайъатда кўриб чиқади ва ҳал қилади. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун ҳайъатни ташкил этувчи Апелляция органи аъзолари тасодифий ва олдиндан айтиб бўлмайдиган тамойил асосида ҳамда барча аъзоларнинг миллатидан қатъи назар хизмат қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ротация асосида танланади (Апелляция текширувини

олиб бориш тартибларининг 6(2)-қоидаси). Апелляция органи аъзолари одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишади. Шундай қилиб, улар ҳайъат азолари сингари мустақил ва холис бўлишлари, тўғридан тўғри ёки билвосита манфаатлар келишмовчилигига йўл қўймасликлари ва ишни кўрилиш жараёнининг сир тутилиши муҳимлигини ҳурмат қилишлари керак. Улар ўзларининг мустақиллиги ёки холислигига таъсир этувчи ёки адолатли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатдорлик, муносабатлар ёки ҳолатни ошкор қилиши шарт. Апелляция органига апелляция шикоятни ҳайъат ҳисоботида келтирилган ҳуқуқ масалалари ва ҳайъат томонидан чиқарилган ҳуқуқий шарҳлар билан чекланади (НХАнинг 17-моддаси 6-параграфи). Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари устидан бундай шикоят келтириш мумкин эмас. Апелляция органи ҳайъатнинг ҳуқуқий хулосаларини ўзгартиришларсиз қолдириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин (НХАнинг 17-моддаси 13-параграфи).

#### *Б) ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш жараёни ва тартиби*

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш жараёни тўртта асосий босқични ўз ичига олади:

- низолашаётган томонлар ўртасида ўзаро келишилган қарорга эришиш учун мажбурий маслаҳатлашувлар;
- ҳайъат томонидан низоларнинг кўриб чиқиши;
- апелляция тартибида низони кўриб чиқиш;
- НҲО томонидан қабул қилинган тавсиялар ва қарорларнинг кучга киритилиши ва мажбурий ижрога қаратилиши.

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни кўриб чиқиш жараёни БМТ Халқаро суди ёки Денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро суд каби бошқа халқаро судлардан фарқли ўлароқ, ишни кўриб чиқиши учун қатъий муддатлар ўрнатилгани билан ажралиб туради. Ушбу муддатлар ҳаддан ташқари қисқа ва қатъийлиги сабабли кўп танқид қилинган бўлса-да, лекин низо кўриб чиқиладиган вақт бўйича тегишли зарарни қоплаш имкониятининг мавжуд эмаслиги ЖСТ доирасидаги низоларини тезда ҳал қилиш зарурлигини талаб этади.

НХАнинг 12-моддаси 9-параграфига биноан ҳайъатда ишнинг кўрилиши ҳайъат ташкил этилган кундан бошлаб унинг ҳисоботи тарқатилганига қадар тўққиз ойдан ошмаслиги керак. Аммо амалда ишни ҳайъатда кўриш аксарият ҳолларда белгиланган муддатлардан ошиб кетади. Ҳайъат томонидан уларнинг ташкил этилиши ва ҳисоботларини тарқалишигача бўлган ўртача вақт 445 кунни ташкил этади (тахминан 16 ой). Ишни кўриб чиқишидаги чўзилишлар, хусусан, ишларнинг мураккаблиги, мутахассисларга мурожаат қилиш зарурати, режалаштириш билан боғлиқ муаммолар ва Катта ҳажмдаги ҳисоботларни таржима қилиш учун кетадиган вақт сабабли юзага келади. НҲА Апелляция органи томонидан ишнинг кўриб чиқиши ҳеч қандай ҳолатда тўқсон кундан ортиқ давом этмаслигини белгилайди (НХАнинг 17-моддаси 5-параграфи). Апелляция органи, алоҳида истиснолардан ташқари, кўп йиллар давомида ушбу қатъий белгиланган муддат ичида ишларни кўриб чиқади. Бироқ 2011 йилдан бошлаб мурожаатларнинг кўлами ва мураккаблигининг ошиши апелляция органи томонидан ўз ҳисоботларини тўқсон кунда кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўйди. Натижада Апелляция органи томонидан апелляция шикоятини қабул қилиш ва у бўйича ўзининг ҳисоботини тарқатиш ўртасидаги ўртача вақт 141 кунни ташкил этади.

Кўпгина миллий ва халқаро суд процесларидан фарқли ўлароқ, ЖСТда низоларни кўриб чиқиш жараёни сир тутилиши талаби жуда муҳимдир. Ушбу мажбурий талаб ҳайъатга ва апелляция органига тақдимномалар киритишга (НХАнинг 18-моддаси 2-параграфи), ҳайъатларни томонлар билан учрашувларига (НХАнинг 3-иловасининг 2-бандига), апелляция органининг муҳокамасига (НХАнинг 17-моддаси 10-параграфи),

шунингдек, аъзоларга етказилишидан олдин ҳайъат ҳисоботларга нисбатан амалда бўлади.

Жаҳон савдо ташкилотининг низоларини ҳал қилиш жараёнининг очиқ эмаслиги баъзи бир аъзолар томонидан ҳаётий зарурат деб ҳисобланса, бошқа давлатлар ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан бу ҳолат шаффофликнинг йўқлиги деб қаттиқ танқид қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларнинг сир тутилиши талабига қарамай, низолашаётган томонлар ўзларининг позицияларини сир тутилишидан воз кечиб, ўз ёзма аризаларини жамоатчиликка эълон қилишлари мумкин (НҲАнинг 18-моддаси 2-параграфи иккинчи жумласи). Тижорат сирлари Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги низоларда тегишли далиллар сифатида келтирилиши мумкинлиги сабабли, баъзи ҳолларда ҳайъатлар ва Апелляция органи ушбу маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаш учун махсус процедураларни қабул қилди.

НҲАда ҳайъат мажлислари ва Апелляция органи муҳокамаларининг ёпиқ бўлишини талаб қиладиган қоидаларга қарамай, айрим аъзолар бу жараёнлар кенг жамоатчиликка очиқ бўлиши керак деган фикрда. Иш иштирокчиларининг илтимосига биноан ҳайъатлар, айрим ҳолларда, ҳайъат мажлисларини жамоатчилик учун очиқ ҳолда ўтказишга қарор қилишди. Худди шу тарзда, баъзи низолар бўйича томонларнинг илтимосига биноан Апелляция органи ўз тингловларини жамоатчиликка очди. Апелляция органи ЖСТнинг Женевадаги Бош қароргоҳидаги алоҳида томоша хонасига ёпиқ телевизион кўрсатув асосида бундай очиқликни таъминлаш имконини беради. Ишни бундай шаффоф кўрилишига рози бўлмаган ишда иштирок этувчи учинчи шахслар баёнот қилаётганида ушбу трансляция тўхтатилиб турилади.

### **ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидаги инқироз ва унинг мавҳум келажаги**

Умуман ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими яхши натижаларга эришган бўлса-да, бу тизим камчиликлардан ҳам холи эмас. Бу борада аъзолар кўп йиллар давомида НҲАни ислоҳ қилиш бўйича самарасиз музокаралар олиб боришди.

Шунингдек, ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими ўз муваффақиятининг қурбони бўлди деб айтиш ҳам мумкин. Низоларнинг кўпайиб ва мураккаблашиб бориши иш ҳажмининг ҳам сезиларли даражада ўсишига олиб келди, аммо бу жараён билан бирга ишларни кўриш учун ажратилган зарур ресурслар мос тарзда ортиб бормади.

Бундан ташқари, низоларни ҳал қилиш тизимининг муваффақияти аъзоларни ўзаро савдо муносабатларидаги муаммоларини (самарасиз бўлган) музокаралар орқали эмас, балки ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими орқали ҳал қилишга бўлган интилиши ташкилотдаги қоидаларни келишиб олиш (музокаралар) ва ҳуқуқни амалга оширилишини таъминловчи (низоларни ҳал қилиш) институтлар фаолиятида номутаносибликни келтириб чиқарди.

Шунингдек, айрим низолар ЖСТнинг мавжуд қоидаларида аниқ белгилаб қўйилмаган нозик масалалар борасида бўлиб, улар бўйича қарорлар қабул қилиниши ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими, хусусан, унинг Апелляция органини ўз ваколат доирасидан четга чиққанликда айблаш учун асос бўлди. Хусусан, АҚШ сўнгги йилларда мунтазам равишда Апелляция органининг шартнома ҳолатларини уларнинг мазмунидан четга чиқиб, кенгайтириб шарҳлашда (“суд фаоллиги”да) ва баъзи процессуал ва институционал қоидаларга «очиқдан-очиқ эътиборсизликда» айблаб, Апелляция органининг янги аъзоларини тайинланишига ёки мавжуд аъзоларининг қайта тайинланишига қаршилик кўрсатмоқда. Натижада бу Апелляция органининг

ҳозирги кундаги фалажига олиб келди (ҳозирда Апелляция органида битта аъзо қолган, низоларни кўриб чиқиш учун эса камида учта аъзо бўлиши керак).

Жаҳон Савдо Ташкилотининг бир қатор аъзолари Апелляция органи аъзоларини тайинлаш билан боғлиқ инқирозни бартараф этиш мақсадида, АҚШ томонидан билдирилган масалаларни ҳал қилиш учун таклифлар киритди. Бироқ 2019 йил октябрь ойида қизгин маслаҳатлашувлар натижасида Апелляция органининг фаолияти тўғрисида Бош Кенгаш қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва деярли барча аъзолар томонидан қўллаб-қувватланган бўлса-да, АҚШ ушбу қарор лойиҳасини рад этди.

Апелляция органининг фалажи ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг самарали ишлаши учун жиддий салбий таъсирга эга. Охирги вақтда чиқарилган ҳайъат ҳисоботлари устидан «йўқ жойга» (ҳозирда ишни кўрадиган Апелляция органи таркиби йўқ) апелляция шикоятларининг келтирилиши, НҲО томонидан ҳайъат ҳисоботларининг қабул қилинишини истисноли ҳолат бўлиб қолишига (апелляция шикояти келтирилганида ҳайъат ҳисоботлари кучга кирмайди) ва бунинг натижасида ЖСТнинг низоларини ҳал қилиш тизимининг мажбурийлик хусусиятининг емирилишига олиб келиши мумкин. Ушбу муаммони бартараф этиш, шунингдек, Апелляция органи инқирози ҳал бўлгунига қадар низоларни ҳал қилишнинг икки босқичли, мустақил ва холис тизимини таъминлаш учун ЖСТнинг бир гуруҳ аъзолари НҲАнинг 25-моддаси билан низоларни ҳал қилишнинг муқобил воситаси сифатида ҳакамлик судига мурожаат қилиш кўринишидаги имкониятдан фойдаланган ҳолда кўп томонлама вақтинчалик апелляция арбитраж келишувини (КВААК) тузишди. Ушбу келишув унинг иштирокчилари ўртасидаги барча низоларга нисбатан қўлланилади. Келишув асосидаги арбитраж унга топширилган ишларни НҲАнинг 17-моддасида келтирилган тартибга ўхшаш тартибда кўриб чиқса-да, бу борада баъзи фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, КВААК апелляция арбитраж қарорлари ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш органи томонидан қабул қилинишини талаб қилмасдан, улар арбитраж томонидан қабул қилинганидан сўнг томонлар учун якуний ва мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, НҲАнинг 21- ва 22-моддаларида кўрсатилган ЖСТ ҳайъати ва Апелляция органи ҳисоботларини мажбурий ижрога қаратиш бўйича қоидалар ушбу қарорлар учун ҳам қўлланилади. Шу билан бирга, ушбу келишув аниқ вақтинчалик механизм бўлиб, у фақат Апелляция органи инқирозининг барқарор ечими топилгунга қадар амал қилади.

Жаҳон савдо ташкилоти аъзоларнинг аксарияти, АҚШ қандай асосларда бўлмасин, Апелляция органи аъзоларини тайинлашга тўсқинлик қилимаслиги ва натижада Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими асосининг емирилишига йўл қўймаслиги лозим эди, деган фикрда. Шу жумладан, 2017 йилдан бери тобора кўп сонли аъзолар (ҳозирда уларнинг сони 122 та) НҲО йиғилишларида Апелляция органи аъзоларини тайинлаш жараёнини бошлаш тўғрисида қарор лойиҳасини киритиб келмоқда.

Бу ўринда Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизими кўп томонлама савдо тизими учун хавфсизлик ва башорат қилишни таъминлашда давом этиши учун Жаҳон савдо ташкилотининг низоларни ҳал қилиш тизимидаги ислохотлар ва мавжуд инқирозни бартараф этиш бўйича келишувга эришилишига умид қилиб қолиш мумкин.

## Амалий машғулот

### «Қудрат устидан ҳуқуқнинг устунлиги»

Ташкилотга қўшилиш жараёни муваффақиятли яқунлангандан сўнг ўтган ойда Агрикола ЖСТнинг янги аъзоси бўлди. Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзолик туфайли яратилган имкониятлардан зудлик билан фойдаланиш мақсадида, Агрикола какао ишлаб чиқарувчилари федерацияси (АКИЧФ) ЖСТнинг аъзоси бўлган ривожланган давлат – Алпиния томонидан АКИЧФ ишлаб чиқарувчиларининг какао хом ашёси (уруғи) импортини тақиқловчи чораси устидан Агрикола Савдо вазирлигига шикоят қилди.

Ўтган йилгача турли тайёр шоколад махсулотларининг (конфеталар ва ичимлик) муҳим ишлаб чиқарувчиси бўлган Алпиния Агриколанинг какао хом ашёси экспорт қилинадиган асосий бозорларидан бири бўлган. Бироқ истеъмолчиларнинг какао ишлаб чиқаришда оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқ хавотирларининг кучайишига жавобан Алпиния миллий сертификатлаштириш идораси томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига мувофиқ сертификатланмаган какао хом ашёсининг импортини тақиқловчи қонунларни жорий этди. Агрикола какао ишлаб чиқарувчилари, асосан кичик фермерлар, бундай сертификатлаш учун сарфланадиган катта харажатларни қоплай олмасликлари сабабли, улар Алпина бозорига киришдан маҳрум бўлишди ва натижада катта иқтисодий йўқотишларга дуч келдилар.

Ташкилотнинг янги аъзоси сифатида Агрикола ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими ва унинг процессуал қоидалари бўйича тажрибага эга эмас. Аммо ўзининг какао саноатига янада кўпроқ зарар етишининг олдини олиш ва ЖСТга аъзоликни жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашини сақлаб қолиш мақсадида, ушбу ўзи учун муҳим бўлган низони ЖСТда кўриб чиқилишини истайди. Шунинг учун Агрикола ҳукумати ЖСТ ҳуқуқи бўйича маслаҳат марказига (ЖХММ) ушбу низони ЖСТда кўриб чиқилишига тайёрлашда ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Сиз ушбу низо юзасидан келиб чиқадиган барча *процессуал масалалар* бўйича Агрикола ҳукуматига маслаҳат бериш вазифаси юкланган ЖХММнинг ҳуқуқшуносисиз. Бу низо бўйича ЖСТ ҳуқуқининг тегишли моддий нормалари сизнинг ҳамкасбларингиз томонидан кўриб чиқилади. Агрикола томонидан берилган қуйидаги саволларнинг ҳар бирига қисқача жавоб тайёрланг. Ўз жавобларингизни ҳуқуқий жиҳатдан асосланг.

1. Агрикола ушбу низо ишини тайёрлашда ва қўзғатишда АКИЧФ тажрибаси ва ресурсларидан фойдаланишни хоҳлайди. Ушбу низо доирасида АКИЧФ ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимида мустақил даъвогар ёки Агрикола давлати билан биргаликда даъвогар сифатида иштирок этиши мумкинми? АКИЧФ ўз фикрини ҳайъатга қандайдир бошқача тартибда етказиши имкони борми?
2. Ушбу низонинг тезкор ҳал этилишини таъминлаш учун Агрикола ўзининг ЖСТдаги доимий ваколатхонаси орқали Низоларни ҳал қилиш органининг (НХҚО) навбатдаги йиғилишида низони кўриб чиқиш учун ҳайъатни шакллантиришни сўрамоқчи. Бундай сўров НХАга мос келадими? Агар йўқ бўлса, НХО ҳайъатни ташкил этишни рад этадими?
3. Агрикола Алпиния низо фақат савдо масалаларида бўлмай, балки меҳнат стандартлари билан боғлиқ бўлгани сабабли, мазкур низо ЖСТнинг юрисдикцияси доирасида эмаслигини ваз қилмоқчилиги ва шу асосда низони БМТ Халқаро суди томонидан кўриб чиқилишига эришмоқчи экани ҳақида хабар топди. Алпиниянинг ушбу важи ҳуқуқий жиҳатдан асослими?
4. Агрикола Алпиниянинг низони ҳал қилиш жараёнига имкон қадар тўсқинлик қилишга ёки уни кечиктиришга уринишдан хавотирда. Алпиниянинг ушбу низони эшитиш учун ҳайъатни ташкил этилишини ва/ёки уни таркибини

- шакллантиришни кечиктириш учун қандай имкониятлари мавжуд? Ушбу кечикишларни камайтириш учун Агрикола нима қилиши мумкин?
5. Алпиниянинг таъкидлашича, у ҳайъат бешта иштирокчилардан иборат бўлишини, улардан бири Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари бўйича таниқли мутахассис бўлган Алпиния фуқароси ва қолганлари ривожланаётган давлатлар фуқаролари бўлмасликлари лозимлигини талаб этмоқчи. Агрикола ушбу талабларнинг ҳар бирига самарали қаршилик кўрсата оладими?
  6. Ҳайъат ташкил этилгани ва унинг таркиби шакллантирилганидан сўнг, ўзида ҳам ахлоқий асосларга кўра импортга нисбатан қатъий талабларни ўрнатган ЖСТга аъзо бўлган қўшни давлат Утопия ҳам ушбу низо бўйича ўз қарашларини билдириш мақсадида, ишда учинчи томон сифатида қатнашмоқчи. Агрикола, Утопия какао хом ашёси билан савдо қилмаслиги сабабли, бу низони кўрилишида иштирок этиш учун манфаатдорлиги йўқлигини таъкидлаб, бунга тўсқинлик қила оладими? Агар Утопия ишда учинчи томон сифатида қатнашса, у барча муҳокамаларда қатнашиши ва ушбу низодаги барча ҳужжатлар билан танишиши мумкинми?
  7. Ҳайъатни ташкил этиш тўғрисидаги илтимосномасида Агрикола Алпиниянинг ХМТнинг маълум стандартларига мувофиқлиги сертификати олинмаган какао хом ашёси (уруғи) импортини тақиқлаш бўйича чораси 1994 йилги ТСБКнинг III моддаси 4-параграфи ва/ёки XI моддаси талабларининг бузилади деб даъво қилди. Аммо шундан бери сизнинг ЖХММдаги ҳамкасбларингиз Агриколага ушбу низо бўйича Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги шартномани ҳам қўллашни таклиф этди. Натижада Агрикола ўзининг биринчи ёзма аризасида ушбу тақиқ Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги шартномасининг 2-моддаси 1 ва 2-параграфлари талабларини ҳам бузган деб даъво қилмоқда. Панел ушбу янги даъволарга қандай жавоб қайтариши лозим?
  8. Агрикола 1994 йилги ТСБКнинг III моддаси 4-параграфи ва/ёки XI моддаси талаблари бузилганини исботлаши талаб этиладими? Агар шундай бўлса, Агрикола, шунингдек, берилган тақиқ 1994 йилги ТСБКнинг XX моддасининг умумий истисноларидан бири асосида оқлана олмаслигини ҳам исботлаши шартми?
  9. Алпиниянинг таъкидлашича, ТСБКнинг XX моддаси истисноларини шарҳлашда, унда минимал меҳнат стандартларига риоя қилиш чоралари учун истисно аниқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, шарҳлаш шартнома ушбу ҳолатининг матни асосида эмас, балки ТСБК музокарачиларининг давлат сиёсати мақсадларига эришишга қаратилган чораларни қабул қилиш учун кенгроқ имконият яратиш бўйича ниятидан келиб чиқилиши лозим. Панел ушбу шарҳлаш бўйича ёндашувга амал қилиши мумкинми?
  10. Ҳайъат Алпиниянинг чораси 1994 йилги ТСБКнинг III моддаси 4-параграфи талабини бузишини, аммо уни 1994 йилги ТСБКнинг XX моддаси (а)-банди (жамоат ахлоқини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриш) билан оқланиши мумкин деб топди. Ҳайъат ТСБКнинг XI моддаси бўйича келтирилган даъвони вақтни тежаш мақсадида кўриб чиқмади. Агрикола низони келтириб чиқарган чора ТСБКнинг XX моддаси (а)-банди талабига биноан, «зарур» экани, шунингдек, Алпиния фуқароларининг ахлоқий қадриятлари адолатли меҳнат меъёрларини ўз ичига олгани ҳақидаги ҳайъат хулосаси устидан апелляция тартибида шикоят қилмоқчи. Ва, ниҳоят, Агрикола таққосланган меҳнат қонунчилиги бўйича Агрикола мутахассиси томонидан берилган далилларга қараганда, алпиниялик социолог томонидан

ушбу масала бўйича келтирилган далилларга ортиқча вазн берилди, деб таъкидламоқда. Ушбу учта масала устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкинми? Агрикола, шунингдек, Апелляция органидан 1994 йилги ТСБКнинг XI моддаси бўйича ҳуқуқий таҳлилни яқунлашини сўрайди. Апелляция органи бу ҳолатда ҳуқуқий таҳлилни яқунга етказиши мумкинми?

11. Алпиния, гарчи у судда ғолиб чиққан бўлса-да, ҳайъат томонидан унинг чораси 1994 йилги ТСБКнинг III моддаси 4-параграфи талабини бузгани ҳақидаги хулосадан норози. Агрикола аллақачон апелляция тартибида иш қўзғатганидан сўнг, у ушбу хулоса устидан шикоят қилиши мумкинми?
12. Шаффофликни таъминлаш ва фуқаролик жамиятининг қўллаб-қувватлашини кучайтириш учун, Алпиния Апелляция органининг маслаҳатлари жамоатчилик учун очиқ ўтказилишини сўрайди. Шунингдек, у ўзининг ва Агрикола ёзма тақдимотларини Савдо вазирлигининг веб-сайтида келтирилишини хоҳлайди. Агрикола бундай талаблар фуқаролик жамиятининг Апелляция органи аъзоларига ортиқча босим ўтказиши учун имкониятлар яратиб беришидан хавотирда. Агрикола Алпиниянинг сўровини қондириш ва/ёки Алпиниянинг ёзма аризаларини нашр этишига йўл қўймаслик учун нима қилиши мумкин?
13. Апелляция суд ишларини юритиш жараёнида Агрикола апелляция шикоятини кўриб чиқаётган ҳайъатдаги Апелляция органи аъзоларидан бири ўз мақолаларида ТСБКнинг XX моддаси (а)-бандининг кенг шарҳланишини илгари сурган ҳуқуқшунос экани ва, бундан ташқари, у Алпиния фуқароси эканини аниқлади. Агрикола бу ҳолатда нима қилиши мумкин?
14. Апелляция органи ҳайъатнинг ТСБКнинг III моддаси 4-параграфи талабини бузгани ҳақидаги хулосасини қўллаб-қувватлайди, аммо ҳайъат томонидан ушбу ҳуқуқ бузилиши ТСБКнинг XX моддаси (а)-бандига мувофиқ оқланиши мумкин деган хулосасини бекор қилади. Панел ҳисоботи (ўзгартирилган) ва Апелляция органининг ҳисоботи НҲО томонидан қабул қилинади. Шу билан бирга, Алпина масаланинг сиёсий жиҳатдан нозиклиги, шунингдек, қонунчилик процедурасининг мураккаблиги сабабли НҲО тавсиялари ва қарорини зудлик билан ижро эта олмаслигини эълон қилади. Аксинча, Агрикола мавжуд чорани (импорт бўйича тақиқни) дарҳол бекор қилиш кераклигини таъкидламоқда. Ушбу келишмовчиликни қандай ҳал қилиш мумкин?
15. Ижро учун берилган оқилона муддат (4 ой деб белгиланган) тугагандан сўнг, Агрикола ушбу ўрнатилган тақиқ ҳали ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Бошқа томондан, Алпиния ўз чоралари НҲМнинг тегишли қарорлари ва тавсияларига мувофиқлигини тасдиқловчи далил сифатида ҳозирда у қадар оғир бўлмаган сертификатлаш тизимини йўлга қўйганини таъкидламоқда. Агрикола эса тақиқни буткул олиб ташланишидан бошқа чоралар чиқарилган қарорга мувофиқ келмаслигини уқдирмоқда. Агрикола бундай ҳолда қарши чора кўриши мумкинми?



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



world  
trade  
institute



u<sup>b</sup>  
UNIVERSITAT  
BREIN



## ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Проф. Петер Ван ден Бош  
Умид Якубходжаев  
Берн университетининг Жаҳон савдо институти

1

### Режа

09:30 - 10:45

- ЖСТ ҳуқуқи ва унинг давлатлар ички қонунчилигидаги ўрни
- ЖСТда низоларни ҳал қилиш: *фактлар* ва *рақамлар*

11:00-13:00

- ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизими: *келиб чиқиши, юрисдикцияси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи*
- ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизими: *мақсади, ваколатлари ва ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳимоя воситалари*

14:00-16:00

- ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизими: *органлар ва институтлар, жараён ва тартиблар*
- ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизимидаги инқироз ва унинг мавҳум келажаги

16:20-17:45

- Амалий вазифа



2

### ЖСТ ҳуқуқи ва унинг манбалари

- Халқаро савдо қоидаларига бўлган эҳтиёж
- ЖСТ ҳуқуқининг асосий қоидалари:
  - ✓ дискриминацияга йўл қўймасликни талаб қилувчи қоидалар  
(*миллий режим ва энг қулай режим*)
  - ✓ бозорга кириш қоидалари  
(*тарифлар ва тариф бўлмаган чоралар*)
  - ✓ савдони эркинлаштиришни бошқа ижтимоий қадриятлар ва манфаатлар билан мувозанатлаш қоидалари  
(*масалан, умумий ва хавфсизлик билан боғлиқ истиснолар*)
  - ✓ адолатсиз савдо билан боғлиқ қоидалар  
(*демпинг ва субсидиялар*)
  - ✓ махсус соҳаларда миллий қонунчиликларни уйғунлаштиришга кўмаклашадиган қоидалар




3

## ЖСТ ҳуқуқи ва унинг манбалари



- ЖСТ ҳуқуқи манбалари:
  - ✓ ЖСТ шартномаси ва унинг иловалари
  - ✓ ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш амалиёти ҳужжатлари
  - ✓ Бошқа манбалар



Picture credit: <https://tradetelablog.wordpress.com/2019/04/06/wer-wto-breit/>

4

## ЖСТ ҳуқуқининг миллий ҳуқуқ тизимларидаги ўрни

- ЖСТ шартномаси XVI моддаси 4-параграфи
  - ✓ миллий қонунчиликнинг ЖСТ шартномалари қоидаларига мувофиқлиги
- ЖСТ ҳуқуқининг аъзо давлатлар миллий ҳуқуқ тизимидаги ҳуқуқий мақоми
  - ✓ миллий конституциявий қоидалар белгилаб беради;
  - ✓ миллий судлар ва ЖСТ ҳуқуқининг (тўғридан тўғри) қўлланиши;
  - ✓ Европа Иттифоқи, АҚШ, Хитой, ...
  - ✓ ЖСТнинг бошқа аъзолари



5

## ЖСТ ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими

- миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади:

*“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.”*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси (2019)

- айрим шартнома ҳолатлари миллий ҳуқуқ тизимида тўғридан тўғри амалда бўлади:

*“Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.”*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси учинчи қисми



6

## ЖСТ ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими


Судлар ЖСТ ҳуқуқи билан боғлиқ қандай ишларни кўриб чиқиши мумкин?

- савдо сиёсатини бошқариш, масалан,
  - давлат органларининг тегишли қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);
  - шаффофлик масалалари (норматив ҳужжатларнинг чоп этилиши, баъзи маълумотларни олиш ҳуқуқи).
- савдо масалалари, масалан,
  - тарифлар ва бошқа божхона тўловлари билан боғлиқ чоралар;
  - чегара чоралари ва тарифсиз чоралар билан боғлиқ масалалар:
    - ✓ божхона қиймати;
    - ✓ келиб чиқиш қондалари;
    - ✓ импортни лицензиялаш;
    - ✓ санитария ва фитосанитария тадбирлари;
    - ✓ муҳофаза чоралари ва бошқалар.



## ЖСТда низоларни ҳал қилиш: фактлар ва рақамлар


- низолар ҳамда ҳисоботларнинг (қарорларнинг) сони
- низоларнинг табиати
- даъвогар ва жавобгарлар
- низо асоси бўлган шартномалар
- ижро этилганлик даражаси



8

## Ишларнинг сони

- Маслаҳатлашувлар учун сўровлар: 600  
(65 та НҲАнинг 21-моддаси 5-параграфи асосидаги сўровларни ҳисобга олмаганда)



9

## Ҳисоботлар (қарорлар) ва кўрилаётган ишлар сони

- Ҳазор келишув асосида низоларни ҳал қилиш
  - ✓ Ҳазор келишувга эришилган ёки даъво қайтариб олинган ҳолатлар: 20%
- Ҳисоботлар (қарорлар)
  - ✓ Ҳайъат ҳисоботлари: 237
  - ✓ Апелляция органи ҳисоботлари: 146
- Мавжуд (кўрилаётган) низолар
  - ✓ Маслаҳатлашувлар: 11
  - ✓ Ҳайъат жараёнлари: 31
  - ✓ Апелляция жараёнлари (ҳозирда фалаж ҳолатда): 16
- Бошқа халқаро судлар ва трибуналлар билан қиёси




10

## Низоларнинг табиати




- Жамоатчилик орасида унча қизиқиш уйғотмаган техник хусусиятга эга савдо масалалари бўйича низолар
  - ЕҲ – компьютер жиҳозлари (1998 й.)
  - ЕҲ – товуқ гўшти (2005 й.)
- Жамоатчилик орасида кўп муҳокамага сабаб бўлган сиёсий нозик масалалардаги низолар
  - АҚШ – майда қисқичбақалар (1999 й., 2001 й.); Бразилия – қайта ишланган шиналар (2007 й.); АҚШ – туна балиғи II (2012 й., 2015 й., 2019 й.); Канада – қайта тикланувчи энергия (2013 й.)
  - ЕҲ – гормонлар (1998 й.); ЕҲ – асбест (2001 й.); АҚШ/Канада – тўхтатишни давом эттириши (2008 й.); АҚШ – чиннигул сигареталари (2012 й.)



11


## Низоларнинг табиати

- АҚШ – қимор ўйинлари (2005 й., 2007 й.); Хитой – наирлар ва аудиовизуал маҳсулотлар (2010 й.); ЕҲ – денгиз мушугидан тайёрланган маҳсулотлар (2014 й.); Колумбия – тўқимачилик маҳсулотлари (2016)
- Россия – транзит ташишлар (2019)
- ЕҲ – бананлар (1997 й.); ЕҲ – тариф имтиёзлари (2004 й.); ЕҲ – шакар бўйича экспорт субсидиялари (2005 й.); АҚШ – унланд ғўзаси (2005 й., 2008 й.)
- ЕҲ ва айрим аъзо давлатлар – йирик фуқаро авиацияси (Airbus) (2011 й., 2018 й.); АҚШ – йирик фуқаро авиацияси (Boeing) (2012 й., 2019 й.)
- Хитой – хомашё (2012 й.); Хитой – нодир ер элементлари (2014 й.)



12

## Даъвогарлар ва жавобгарлар



13

## Даъвогарлар ва жавобгарлар



14

## Даъвогарлар ва жавобгарлар

Даъвогарлар	Сони
АҚШ	124
Европа Иттифоқи	104
Канада	40
Бразилия	33
Япония	26
Мексика	25
Ҳиндистон	24
Аргентина	21
Хитой	21
Корея Республикаси	21



15


## Даъвогарлар ва жавобгарлар

Жавобгарлар	Сони
АҚШ	156
Европа Иттифоқи	86
Хитой	44
Ҳиндистон	32
Канада	23
Аргентина	22
Корея Республикаси	18
Бразилия	16
Австралия	16
Мексика	15



16


## Низо учун асос бўлган шартномалар



■ GATT ■ ADA ■ AoA ■ CVA ■ GATS ■ ILA ■ RoO ■ SA ■ SCM ■ SPS ■ TBT ■ TRIMS ■ TRIPS

17


## ЖСТ қоидаларига номувофиқ деб топилган ҳолатлар



■ Мувфиқ деб топилган ■ Камида бир номувофиқлик топилган

18

## Ижро этилганлик даражаси




■ Ижро этилмаган    ■ Ижро этилган

19

## ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимининг ўзига хос жиҳатлари

- Келиб чиқиши
- Юрисдикцияси
- Фойдаланишга бўлган ҳуқуқ
- Мақсади
- Ваколатлари
- Орган ва институтлар
- Жараён ва тартиблар

### OUR UNIQUE FEATURES:



20

## Келиб чиқиши

- 1947 йилдаги ТСБК доирасида савдо низоларини ҳал қилиш
  - ✓ 1947 йилдаги ТСБКнинг XXII ва XXIII моддалари
  - ✓ Кучга асосланган тизимдан низони дипломатик ҳал қилишгача ...
  - ✓ ... ундан эса қоидаларга асосланган, суд типидagi низоларни ҳал қилиш тизимигача бўлган ривожланиш
  - ✓ консенсус қоидаси сабабли 1980 йиллардаги таназзул
  - ✓ АҚШнинг савдо низоларида бир томонлама чораларни кўриши
- Уругвай раундидаги музокараларда (1986-1993) низоларни ҳал қилиш масаласи
  - ✓ Низоларни ҳал қилишга оид қоидалар ва тартиблар тўғрисидаги англашув (НХҚА)



21

## Юрисдикцияси

- Юрисдикция табиати
  - ✓ мажбурий
  - ✓ эксклюзив
  - ✓ тортишувли
- Юрисдикция доираси
  - ✓ ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимига тааллуқли низолар
  - ✓ ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимига тааллуқли чоралар



22

## Фойдаланиш ҳуқуқи

- ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи
  - ✓ Фақат ЖСТ аъзолари томонидан
  - ✓ Келишилган имкониятларни бекор қилиниши ёки камайиши
  - ✓ Ҳуқуқ бузилиши ва қоида бузилиши билан боғлиқ бўлмаган даъволар
- Учинчи томонларнинг иштироки
- Билвосита ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимидан фойдаланиш



23

## Мақсад ва ваколатлари

- Низоларни тезкорлик билан ҳал қилиниши
- Кўп томонлама савдо тизими учун хавфсизлик ва башорат қилишни таъминлаш
- ЖСТ шартномаларидаги аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини сақлаш
- ЖСТ шартномалари ҳолатларини аниқлаштириш
  - ✓ низоларни кўриб чиқувчи органнинг “суд фаоллиги” хавфи
  - ✓ шартномаларда берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтирмаслиги ёки қисқартирмаслиги
  - ✓ шарҳлаш қоидалари: Вена Конвенциясининг 31- ва 32-моддалари



24

## Орган ва институтлар



- Низоларни ҳал қилиш органи (НҲО)
  - ✓ таркиби ва мажлислари;
  - ✓ консенсус ва тесқари консенсус асосидаги қарорлар.
- ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш бўйича ҳайъати
  - ✓ биринчи истанция вақтинчалик (*ad hoc*) трибуналлари;
  - ✓ НҲО томонидан тесқари консенсус асосида тузилади;
  - ✓ 3 та савдо соҳасидаги экспертдан ташкил топади.
- Апелляция органи
  - ✓ доимий фаолият юритувчи 7 аъзодан иборат орган;
  - ✓ консенсус асосида НҲО томонидан тайинланади;
  - ✓ ҳуқуқ масалалари юзасидан апелляция тартибида ишни кўриб чиқади.

25



**ЖСТ АПЕЛЛЯЦИЯ ОРГАНИ  
(2017 ЙИЛДАГИ ТАРКИБИ)**

## Жараён ва тартиблар

- Жараёндаги босқичлар
  - маслаҳатлашувлар
  - ҳайъат муҳокамаси
  - апелляция тартибида ишни кўриш
  - қарорнинг кучга кириши ва ижрога қаратилиши
- Умумий кузатувлар
  - ✓ ўрнатилган вақтлар
  - ✓ жараённинг сир тугилиши/шаффофлик
  - ✓ хусусий ҳуқуқий ҳимоячи
  - ✓ *Amicus curiae* тақдимномалари/ёзма фикрлари
  - ✓ тегишли равишда ва виждонан бажариш.



27

## ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш механизмининг келажаги

- Оддий инқироздан жиддий таназулга қадар
  - Жаҳон савдо ташкилоти «тожидаги марварид».
  - Иш ҳажмининг ошиши ва тизимли номутаносиблик.
  - Апелляция органи фаолияти юзасидан АҚШнинг эътирозлари.
  - Апелляция органи аъзоларини тайинлашнинг тўхтаб қолиши.
  - ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизимига умумий таъсир.
- Апелляция органи ва апелляция тартибида ишни кўриб чиқиш борасидаги ислоҳотлар?
  - “Суд фаоллиги” масаласи
  - Процессуал масалалар
  - Институционал масалалар



## ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш механизмининг келажаги


- АҚШ ва ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизими
  - Апелляция органи фаолияти юзасидан АҚШнинг эътирозлари.
  - Апелляция органининг фалаж ҳолати ва бунинг ЖСТнинг низоларни ҳал қилиш тизимига таъсири.
- Инқирозни ҳал этиш бўйича уринишлар
  - Апелляция органининг фаолияти тўғрисида Бош Кенгаш қарори лойиҳаси (2019 йил октябрь).
  - Кўп томонлама вақтинчалик апелляция арбитраж келишуви.
- *‘Халқаро муносабатларда ҳуқуқ устуворлиги бўйича ноёб тажриба’* яқунландими?

29

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:  
*Қудрат устидан  
ҳуқуқнинг устунлиги*

30

**Ҳайъатда ишни кўриш жараёни (27-слайд)**



## ҚАМРАБ ОЛИНГАН ШАРТНОМАЛАРНИНГ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН ҲОЛАТЛАРИ

(21-слайд)

1. 1994 йилги ТСБКнинг XXII ва XXIII моддалари;
2. Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги шартноманинг 19-моддаси;
3. Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги шартноманинг 11-моддаси;
4. Тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари бўйича келишувнинг
5. 8-моддаси 10-параграфи;
6. Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги шартноманинг 14-моддаси;
7. Савдо билан боғлиқ инвестиция чора-тадбирлари тўғрисидаги шартноманинг 8-моддаси;
8. Антидемпинг чораларини қўллаш тўғрисидаги шартноманинг
9. 17-моддаси;
10. Божхона қиймати тўғрисидаги шартноманинг 19-моддаси;
11. Юборишдан олдин кўздан кечириш тўғрисидаги шартноманинг
12. 7- ва 8-моддалари;
13. Келиб чиқиш қоидалари тўғрисидаги шартноманинг 7- ва 8-моддалари;
14. Импортни лицензиялаш тўғрисидаги шартноманинг 6-моддаси;
15. Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги шартноманинг
16. 4- ва 30-моддалари;
17. Муҳофаза чоралари тўғрисидаги шартноманинг 14-моддаси;
18. Хизматлар, савдоси тўғрисида бош келишувнинг XXII ва XXIII моддалари;
19. Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги шартноманинг 64-моддаси.

## УРУГВАЙ РАУНД ШАРТНОМАЛАРИ

### (Манбалар тўғрисидаги 4-слайд)

- 1994 йил 15 апрелдаги Марокаш декларацияси
- Якуний ҳужжат
- Жаҳон савдо ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Марокаш шартномаси

#### 1-илова

##### 1-А илова. Товарлар савдоси бўйича кўп томонлама шартномалар

- Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ТСБК 1994)
  - Бошқа бож ва тўловлар (ТСБКнинг II:l(b)-моддаси), Англашув
  - Давлат савдо корхоналари (ТСБКнинг XVII моддаси), Англашув
  - Тўлов баланслари, Англашув
  - Минтақавий савдо шартномалари (ТСБКнинг XXIV моддаси)
  - Мажбуриятлардан воз кечиш, Англашув
  - Концессияларни бекор қилиш (ТСБКнинг XXVIII моддаси), Англашув
  - 1994 йилги ТСБК бўйича Марокаш протоколи
- Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги шартнома
- Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги шартнома
- Тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари бўйича келишув (2005 йил 1 январда тугатилган)
- Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги шартнома
- Савдо билан боғлиқ инвестиция чора-тадбирлари тўғрисидаги шартнома
- Антидемпинг чораларини қўллаш тўғрисидаги шартнома (1994 йилги ТСБКнинг VI моддаси)
- Божхона қиймати тўғрисидаги шартнома (1994 йилги ТСБКнинг VII моддаси)
- Юборишдан олдин кўздан кечириш тўғрисидаги шартнома
- Келиб чиқиш қоидалари тўғрисидаги шартнома
- Импортни лицензиялаш тўғрисидаги шартнома
- Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги шартнома
- Муҳофаза чоралари тўғрисидаги шартнома
- Савдони осонлаштириш тўғрисидаги шартнома

##### 1-В илова. Хизматлар савдоси тўғрисида Бош келишув (ХСБК)

##### 1-С илова. Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги шартнома (ИМХСЖШ) (amended on 23 January 2017)

#### 2-илова

- 2-илова. Низоларни ҳал қилиш бўйича англашув (НҲА)

#### 3-илова

- 3-илова. Савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизми (ССКМ)

#### 4-илова

##### 4-илова. Иштирокчилар сони чекланган кўп томонлама шартномалар

- 4(a)-илова. Фуқаро самолётлари савдоси тўғрисидаги шартнома
- 4(b)-илова. Ҳукумат харидлари тўғрисидаги шартнома
- 4(c)-илова. Сут маҳсулотлари бўйича халқаро келишув (1997 йилда тугатилган)
- 4(d)-илова. Мол гўшти маҳсулотлари бўйича халқаро келишув (1997 йилда тугатилган)

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Chapter 3 of P. Van den Bossche and D. Prévost, *Essentials of WTO Law* (Cambridge University Press, forthcoming)
2. Section 5.2 of Chapter 1 of P. Van den Bossche and W. Zdouc, *The Law and Policy of the World Trade Organization*, 5th edition (Cambridge University Press, forthcoming)
3. Section 8 of Chapter 3 of P. Van den Bossche and W. Zdouc, *The Law and Policy of the World Trade Organization*, 5th edition (Cambridge University Press, forthcoming)
4. Understanding on Rules and Procedures Governing the Settlement of Disputes (Dispute Settlement Understanding), Annex 2 of the 1994 Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization. See [https://www.wto.org/english/docs\\_e/legal\\_e/legal\\_e.htm](https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/legal_e.htm).
5. P. Van den Bossche, Farewell speech as Appellate Body Member to the Dispute Settlement Body of the WTO, delivered on 28 May 2019. See [https://www.wto.org/english/tratop\\_e/dispu\\_e/farwellspeech\\_peter\\_van\\_den\\_bossche\\_e.htm](https://www.wto.org/english/tratop_e/dispu_e/farwellspeech_peter_van_den_bossche_e.htm).

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. P. Van den Bossche, *The WTO Dispute Settlement System*, United Nations Audiovisual Library of International Law, 7 February 2018, see <http://webtv.un.org/news-features/audiovisual-library-of-international-law-avl/watch/van-den-bossche-on-the-wto-dispute-settlement-system/5800394239001/?term=&sort=date&page=12?lanrussian>.
2. P. Van den Bossche, *Can We Save the WTO Appellate Body?*, Public Hearing, Committee on International Trade of the European Parliament, 3 December 2019, see [https://multimedia.europarl.europa.eu/en/committee-on-international-trade-ordinary-meeting\\_20191203-1500-COMMITTEE-INTA\\_vd](https://multimedia.europarl.europa.eu/en/committee-on-international-trade-ordinary-meeting_20191203-1500-COMMITTEE-INTA_vd).
3. P. Van den Bossche, *The WTO Appellate Body*, 2020 Trade, Investment and Development Program, Washington College of Law, American University, Washington D.C., 3 June 2020, see <https://www.wti.org/institute/news/745/peter-van-den-bossches-latest-online-lecture-now-available-to-watch/>.
4. P. Van den Bossche, *WTO Dispute Settlement in 2020 and Beyond*, World Trade Forum 2020, 23 September 2020, see [https://www.youtube.com/watch?v=X8o71TG\\_FTg&feature=youtu.be](https://www.youtube.com/watch?v=X8o71TG_FTg&feature=youtu.be).
5. C. Sergaki, 'The WTO's Exclusive and Compulsory Jurisdiction v. Dispute Resolution Mechanisms in Regional Trade Agreements: A Clash of Jurisdiction?', *Global Trade and Customs Journal*, 2020, Issue 1, (15), 24-30.
6. X. Li, 'DSU Article 25 Appeal Arbitration: A Viable Interim Alternative to the WTO Appellate Body?', *Global Trade and Customs Journal*, 2020, Issue 10, (15), 461-478.
7. S. Lester, 'The Rule of Precedent and the Role of the Appellate Body', *Journal of World Trade*, 2020, Issue 2, (54), 183-198.
8. U. Zdravkovic, 'Ex officio Claimant: A Challenging Proposal for Reforming the WTO', *Journal of World Trade*, 2020, Issue 2, (54), 265-286.
9. J. Wu, 'The Sustainability of the WTO Dispute Settlement System: Does It Work for Developing Countries?', *Journal of World Trade*, 2020, Issue 4, (54), 531-566.
10. R. Wolfe, 'WTO Dispute Settlement and the Appellate Body: Insider Perceptions and Members' Revealed Preferences', *Journal of World Trade*, 2020, Issue 5, (54), 667-698.

11. M.C. de Andrade, 'Precedent in the WTO: Retrospective Reflections for a Prospective Dispute Settlement Mechanism', *Journal of International Dispute Settlement*, 2020, Volume 11, Issue 2, 262–277.
12. B. M Hoekman, P. C Mavroidis, 'To AB or Not to AB? Dispute Settlement in WTO Reform', *Journal of International Economic Law*, 2020, <https://doi.org/10.1093/jiel/jgaa020>







**ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ  
НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИ**

ТРЕНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ